

# АХБОРОТ АЛМАШИНУВИДА ДАДИЛ ҚАДАМ

(ХОРИЖ САФАРИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА САРҲИСОБ)



**Асқар Газиев,**  
Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси қошидаги  
Республика йиғма  
электрон каталог  
маркази директори

«**М** амлакатимизда кадрларнинг ма-  
лакасини ошириш бўйича барча  
соҳаларда кенг қамровли ишлар  
олиб борилмоқда. Шу жумладан,  
ахборот-кутубхона муассасаларининг ходим-  
лари билим ва малакаларини ошириб, халқ-  
ро конференцияларда иштирок этиб келаёт-  
ганликлари соҳага янгиликлар киритиб, уни  
янада ривожланишига сабаб бўлмоқда. Ана  
шундай берилаётган имкониятлардан фой-  
даланган ҳолда, Республика йиғма электрон  
каталог маркази ходимлари Белоруссия пой-  
тахти Минск шаҳридаги Белоруссия Миллий  
кутубхонасининг таклифи асосида хизмат са-  
фарида бўлиб қайтдилар. Хизмат сафари да-  
вомида Белоруссия Миллий кутубхонасининг  
Йиғма электрон каталоги иш фаолияти, дас-  
турий таъминоти, меъёрий ҳужжатлари бил-  
ан танишиб чиқилди ва ҳамкорликда масо-  
фадан туриб библиографик ёзувлар алмаши-  
нувини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қи-  
линди.

Ташрифнинг биринчи куни Белоруссия  
Миллий кутубхонаси директори Роман Мо-  
тульский билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув  
давомида кутубхонанинг ҳозирги кундаги иш  
фаолияти ва келажакдаги истиқболли режа-  
лари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек,

Йиғма электрон каталог бўлимининг ҳозирги  
кунда дастур базасидаги библиографик  
ёзувларнинг умумий сони (ҳамкор кутубхона-  
лар билан биргаликда) 40% библиографик  
ёзувларни ЙЭК дастури базасига жой-  
ланганлиги, ушбу дастур янги сервер қурил-  
малари билан таъминланганлиги ва кутубхо-  
нанинг автоматлаштирилган ахборот-кутуб-  
хона тизими билан ҳамкорликда онлайн ҳам  
локал тармоқ орқали ишлашани айтиб ўтди.

Дастур бўйича Белоруссия Миллий кутуб-  
хонасига экскурсия уюштирилди. Кутубхона  
24 қаватдан иборат бўлиб, фойдаланувчи-  
ларга ва хизмат ходимларига барча қулайлик-  
лар яратиб берилган. Биринчи қаватда рўй-  
хатга олиш, фойдаланувчилар учун очик ва  
ёпиқ фондлар хизмати ташкил қилинган. Ик-  
кинчи қаватда анъанавий ҳамда электрон ка-  
талогдан фойдаланиш имконияти мавжуд.  
Фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш  
мақсадида интернет тармоқларидан фойда-  
ланиш учун компьютерлар ҳамда WiFi май-  
донлар ташкил қилинган.

Библиографик ёзувлар BELMARC стан-  
дарти асосида йиғма электрон каталог мар-  
казида жамланган. 2016 йил 1 январь ҳолати-  
га кўра, Белоруссия йиғма электрон каталог  
дастурида 4 008 373 та электрон библиогра-  
фик ёзувлар мавжуд.

Булардан 1 941 047 та библиографик ёзув-  
лар ҳамда 2 067 326 тасини авторитет ёзув-  
лар ташкил қилади. Жорий йилнинг якунига  
қадар саккиз миллионга яқин вақтли матбуот  
ва даврий нашрлар библиографик ёзувлари-  
ни дастурга юклаш ишларини ниҳоялаш кўзда  
тутилган.

Ахборот-автоматлаштириш бўлими бошли-  
ғи Е.В. Политко Белоруссия йиғма электрон  
каталог дастурининг (<http://unicat.nlb.by>) иш-  
лаш принципи, сервер қурилмалари ва улар-  
да ўрнатилган дастурий таъминот ҳам локал,  
ҳам глобал тармоқ орқали ишларининг техник



томонлари билан таништирди. Шунингдек, Е.В. Политко сервер қурилмасининг катта ҳажмга эга эканлиги бир вақтнинг ўзида бир нечта фойдаланувчининг дастурдан фойдаланишига имкон беришини ва унинг базасидаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир нусха кутубхона серверида, бир нусхаси эса кутубхонадан ташқари маълумот сақлаш серверларида сақланишини айтиб ўтди.

Фондларни бутлаш бўлими бошлиғи А.Ю. Перевезева босма нашрларни сотиб олиш, совға тариқасида келадиган ресурслар ҳамда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик шартномаси асосида китоб алмашиш йўли билан тўлдириладиган фондлар ва электрон кўринишда дастурий таъминотлар ҳақида гапириб берди. Бунда фондга келиб тушадиган янги адабиётлар дастурий таъминотга киритилишдан олдин йиғма электрон каталог дастури маълумотлар базасидан қидирилиши ва ёзувлари текширилишини амалда кўрсатиб берди.

Куннинг иккинчи ярмида кутубхона ахборот-технологиялари бўлими бошлиғи Ж.С. Рисева, ҳужжатларни бутлов бўлими бошлиғи Н.П. Зеленева ва ҳужжатларга техник ишлов бериш бўлими бошлиғи С.А. Пугачёвалар библиографик ёзувлар, авторитет ёзувлар ҳамда шу ёзувларни классификациялаш борасида амалий машғулотлар ўтказдилар. Шунингдек, мутахассисларимиз Миллий авторитет ёзувлар маълумотлар базаси бўлими бошлиғи Л.Л. Бушило билан авторитет ёзувлар бўйича фикр алмашдилар. Авторитет ёзувлар уч хил кўринишга эга, авторитет меъёрий ёзув, маълумотлар ёзуви ҳамда иқтибослар амалий ўрганилди.

Хизмат сафари давомида Республика йиғма электрон каталог марказининг фаолиятига татбиқ этиш мумкин бўлган Беларусия Миллий кутубхонасида жорий қилинган йиғма электрон каталогидagi айрим таклифларини айтиб ўтиш жоиз:

- Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жо-



рий қилинаётган Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимида авторитет ёзувларни шакллантириш ҳамда ушбу ёзувларни ЙЭК дастуридаги библиографик ёзувлар билан боғлаш масалаларини кўриб чиқиш;

- хорижий давлат кутубхоналарининг йиғма электрон каталог маркази электрон базасига масофадан (Z39.50 протоколи орқали) туриб уланиш ва маълумот алмашишни йўлга қўйиш;

- ахборот-кутубхона муассасаларидан фойдаланувчиларнинг ахборот-кутубхона ресурсларини излаш, буюртма беришларини ташкилий-технологик таъминлаш, шунингдек, библиографик ёзувларни айирбошлаш;

- фойдаланувчиларга ЙЭК асосида ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-кутубхона ресурслари фондларидан самарали фойдаланишни таъминловчи ахборот-библиография хизматлари комплексини тақдим этиш.

Йиғма электрон каталог маркази ходимларининг Беларусия Миллий кутубхонасига қилган хизмат сафари юртимизда тобора ривожланиб бораётган ахборот-кутубхона соҳасининг такомиллашувига ва халқаро кутубхоналар билан юртимиз кутубхоналари ўртасидаги алоқаларнинг ривожига ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

Авторитет ёзув (Authority record) – яратилган библиографик ёзувларнинг асосий қисми мазмунига бериладиган, машина ўқий оладиган қўшимча маълумот (изоҳ, манба ҳақида маълумот ахбороти ва бошқалар), шунингдек, турли сарлавҳаларнинг ифодаланиши

Авторитет ёзувлар асосан автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларида ахборот қидириш жараёнида тўлиқ ва аниқ маълумотга эга бўлишда ёрдам беради

### **Аскар Газиев, директор Республиканского центра сводного электронного каталога при Национальной библиотеке Узбекистана**

*В статье представлена информация об участии специалистов Республиканского центра сводного электронного каталога при Национальной библиотеке Узбекистана в профессиональной стажировке, организованной Национальной библиотекой Беларуси по вопросам формирования сводных каталогов. В ходе визита обсуждались вопросы сотрудничества по направлениям обмена библиографическими записями между организациями. Знания и опыт, полученные во время профессиональной командировки послужат улучшению деятельности Республиканского центра сводного электронного каталога при Национальной библиотеке Узбекистана. ■*